O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
5 SENTABR
PAYSHANBA
№ 113 (26.972)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўтган ой охирида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма ўзининг мамлакатимиздаги миссияси тугаганини маълум қилган эди. Таъкидлаш керакки, унинг юртимиздаги фаолияти даврида Ўзбекистон Президенти расмий ташриф билан Японияда меҳмон бўлди. Бу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихига муҳим воқеа сифатида кирди ва шу билан бирга, Накаяма хоним учун ҳам катта ютуқ бўлди.

Мана, орадан кўп ўтмай Япония Императори Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистондаги янги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлади. 4 сентябрь куни Оқсаройда Акио Кавато Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Японнинг янги элчисини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, икки мамлакат муносабатлари юқори суръатда ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Дарҳақиқат, ҳозир ўзаро алоқаларимиз кўлами ғоят кенгайган. Айни кунларда мамлакатимизда Япония молия вазирлиги делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Сентябрь ўрталаридан эса Ўзбекистонда анъанавий Япония маданияти кунлари бўлиб ўтади.

Ислом Каримов элчига Ўзбекистонда бошлаётган фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Акио Кавато Ўзбекистон-Япония муносабатларини янада ривожлантириш йўлида кучғайратини аямаслигини таъкидлади.

✧✧✧

Шу куни Президент Ислом Каримовга Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Крейг Мюррей ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ёрлиқни қабул қилиб олар экан, элчига бошлаётган миссияси муваффақиятли кечишини тилади. Европа Иттифоқида юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти билан алоҳида ўрин тутувчи Қироллик билан муносабатларни ҳар томонлама равнақ топтириш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

К.Мюррей самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, келгусида ўзаро алоқаларимизнинг янги қирралари очилишига умид билдирди. Бу борада Ўзбекистон томони билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди ҳамда ўзаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришдан икки мамлакат бирдек манфаатдорлигини қайд этди.

✧✧✧

Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Шарат Сабхарвалдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ҳиндистон элчиси билан суҳбатда мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тарихан муштарак жиҳатлари кўплиги қайд этилди. Бу муштараклик икки мамлакатнинг халқаро миқёсдаги кўплаб масалаларга муносабатлари яқинлигида ҳам намоён бўлиши таъкидланди.

Ислом Каримов элчини шарафли лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, унинг фаолияти Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида муҳим ўрин топишига ишонч билдирди.

Элчи яхши тилаклари учун Президентга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати ҳукумати ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг ишончини албатта оқлашини, икки томонлама муносабатлар ҳар томонлама жадал ривожланавериши учун куч-ғайратини аямасдан меҳнат қилишини айтди.

✧✧✧

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Цви Коэн Литант ишонч ёрлиғи топширди.

Давлатимиз раҳбари Исроил элчисини ушбу шарафли ва масъулиятли лавозим билан қутлар экан, икки мамлакат ўртасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий алоқалар томонлар манфаатларига мос тарзда ривожланиб бораётганини қайд этди. Ушбу ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида Цви Коэн Литант самарали фаолият юритишига ишонч билдирди.

Элчи самимий қабул ва юксак ишонч учун Президентга миннатдорлик билдирди. Ўз фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун қўлидан келган барча ишни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

✧✧✧

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Сонг Хвандан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк давридан буён Ўзбекистон билан Жанубий Корея тенг манфаатдорлик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида кенг кўламли ҳамкорлик қилиб келади. Бу ҳамкорлик айниқса иқтисодий соҳада самарали кечаётир. Ўзбекистонда корейс ҳамкорларимиз билан биргаликда ташкил этилган ўнлаб корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар орасида «ЎзДЭУавто»нинг Асакадаги автомобиль заводи ҳамда «Кабул текстайлз» компанияси билан тузилган бир неча йирик тўқимачилик корхоналарини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу корхоналар ҳам иқтисодий тараққиёт, ҳам экспорт салоҳиятини ошириш борасида катта ютуқларни қўлга киритишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари элчидан ёрлиқни қабул қилиб олар экан, унга мамлакатимиздаги дипломатик фаолияти самарали кечишини тилади.

Ким Сонг Хван Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида хизмат қилиш ўзи учун шарафли вазифа эканини таъкидлади.

✧✧✧

Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ахтар Туфайл ҳам давлатимиз раҳбарига ишонч ёрлиғи топширди.

Президент Ислом Каримов элчини янги шарафли лавозим билан қутлади. Элчининг Ўзбекистонда бошлаётган фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларининг равнақ топишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Муҳаммад Ахтар Туфайл Президент билдирган юксак ишончни самарали меҳнати билан оқлаяжагини айтди. Элчилик фаолияти мобайнида Ўзбекистон билан Покистон ўртасида тенг манфаатли ҳамкорликнинг янги қирралари пайдо бўлишига умид билдирди.

■ (ЎзА)

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан ҳукуматингиз ва халқингизга Сингапур ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловлар ҳамда мамлакатингиз ва халқингизнинг фаровонлиги йўлида иқтисодий ўсиш, равнақ ва тараққиётга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш менга ғоят мамнуният бахш этади.

С.Р.НАТАН,
Сингапур Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Лаос халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва ўзбек халқига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда энг эзгу тилакларимни йўллашни истардим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва муваффақиятли ҳамкорлик бундан буён ҳам Лаос ҳамда ўзбек халқлари ва тинчлик манфаатлари йўлида ривожланиб бораверишига ишонаман.

Камоли эҳтиром ила,

Кҳамтай СИПХАНДОН,
Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Гамбия ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табриклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Яҳъё ЖАММЕҲ,
Гамбия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Тунис халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу тилакларни йўллаб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига бардавом ривож ва тараққиёт тилайман.

Ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига халқларимиз манфаати йўлида мавжуд дўстона алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга доимо интилишимизни изҳор этмоқчиман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Дўст мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан ва Ливия Араб Халқ Социалистик Буюк Жамоҳирияси халқи номидан самимий қутловлар ҳамда шахсан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Полковник Муаммар ҚАЗЗОФИЙ,
1 сентябр — Улуғ Ал-Фатх Инқилоби Раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига Бахрайн Подшоҳлиги халқи ва ўз номимдан самимий табриклар йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сиз, Жаноби Олийларига саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб йўллаган эзгу истакларим ҳамда Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Ҳамад бин Исо Ол ХАЛИФА,
Бахрайн Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига чин дилдан қутловларимни ҳамда мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, шунингдек мамлакатингизга ва халқингизга фаровонлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни изҳор этмоқчиман.

Пумипон АДУЛЬЯДЕТ (РАМА IX),
Таиланд Қироли

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

МЕНИНГ ФИКРИМ — ҲАҚИҚАТИМ

Бу ҳақда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўз борди

Мустақиллик ва матбуот, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги, журналист масъулияти ва тўртинчи ҳокимият, халқаро шарҳ ва шарҳловчи мавзулари кейинги йилларда кенг жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Бу бежиз эмас.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда матбуотнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Журналистлар янги жамият қуришда фаол иштирок этишлари шарт. Хўш, бу иштирок қай даражада намоён бўлади?! Бу, Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ҳар жиҳатдан асослаб берилди. Жумладан, маърузада: «Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур» дейилди.

Бундай ўйлаб кўрсак, кейинги йилларда бу йўналишда кўп ишлар қилинди. «Туркистонпресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилганлиги, мустақил «Ҳуррият», нодавлат «Моҳият», «Время и мы» газеталари чиқа бошлаганлиги ва бошқа кўплаб эркин нашрлар пайдо бўлганлиги амалга оширилган ишларнинг бир қисмигина, холос.

Яхши маънода айтадиган бўлсак, мустақил ва эркин радио тўлқинлари ҳам «болалаб» кетди. Умуман, оммавий ахборот воситалари сони ва эркин фаолият кўрсатишлари учун уларга берилаётган имкониятлардан нолишга асос йўқ. Бу борада ҳали яна кўп ишлар қилиниши аниқ. Чунки матбуотни демократлаштиришни янада чуқурлаштиришда мамлакатимиз танлаган йўл шуни тақозо этмоқда.

Ҳозир эркин гапириш ва эркин ёзиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Хўш, унда нега эркин матбуот ўзининг эркинлигини биз кутган даражада намоён қилмаяпти?! Бизнингча, бунинг сабаблари кўп. Шулардан бири — бу, Президент ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, **«мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли, уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда».**

Ҳақиқатдан ҳам баъзи ҳамкасбларимизни: нима мумкин, нима мумкин эмас ёки хато қилиб қўймасмиканмиз, деган фикр жиловлаб тургандай. Назаримизда, бу ҳолат узоққа бормайди. Президент, жамият, қонун, халқ қўллаб-қувватлаб боргани сари дил қулфимиз очилиб, фикримизни эркин баён қилиб боравермиз. Бироқ, бизнинг эркинлигимиз бошқаларнинг эркинлигини поймол қилмаслиги керак. Бу жиддий масала, албатта. Ҳар бир журналист ўз фикрини эркин баён қилар экан, тафаккурнинг юқори маданиятига ҳамда касб одоби мезонларига қатъий амал қилиши ҳам лозим. Акс ҳолда у эркинликни суиистеъмол қилган ва фақат ўз ҳақиқати билан ҳукм чиқарган бўлади.

Ҳамма гап журналистнинг эркинликни қандай тушунишида, қандай талқин қилишида ва қандай қабул қилишида. Ҳар бир оммавий ахборот воситасига, ҳар журналистга берилган ҳақ-ҳуқуқ — бу имтиёз эмас, масъулиятдир. Айниқса, бирорта идора, корхона, ташкилот, жамоа фаолиятига ёки раҳбар, мутахассис, ходим ишига баҳо бериш ўта холисликни тақозо этади.

Танқид қилиш — бу тўғри гапириш, шахсий фикр — бу ҳақиқатни айтиш дегани эмас. Аниқ далиллар билан асослаб, исботлаб, қиёслаб гапириш ва ёзишгина холисликка даъвогарлик қила олади. Ана шунда мутлақ ҳақиқат ойдинлашади. Журналистнинг шахсий фикри мутлақ ҳақиқат мезони бўла олмайди. Менинг шахсий фикрим — бу менинг ҳақиқатим. Бу фикр бошқа фикрлар билан уйғунлашиб, маълум таҳриддан ўтгандан кейингина хулоса чиқариш учун асқотади.

(Давоми 3-бетда)

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГИ

■ Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

Суратда: биринчи қўнғироқ лаҳзалари.

У фарзандларимизни мактаб бағрига чорлайди. Бизни эса болалик хотиралари чулғайди. Ҳаяжон ичра мактаб ва муаллимимизни эслаймиз. Бугун ҳаёт ҳар томонга сочиб юборган синфдошларни қўмсаймиз.

Қўнғироқ жаранглайди. Тинчлик мамлакатида, болалар шоду хуррам мактаб томон югурадилар. Илк бор биринчи синфга қадам қўйганлар. Мактабни битириш арафасида турганлар. Ҳар йили кутиб, кузатиб қолаётган муаллим. Бизга билим бериб, катта ҳаётга йўллаётган муқаддас мактаб... Биз сенга қайтамиз. Фарзандларимиз тимсолида, набиралар шаънида барибир сенга қайтамиз. Қўнғироқ жаранги эса бизни олис-олисларда қолиб кетган болалигимизга қайтараверади. Юрагимизда мангу ҳаяжон бўлиб қолаверади.

Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактаб истиқлол қалдирғочларини яна ўз бағрига олди.

— Биринчи синфга қабул қилинган болажонларимизга Президент совғаси ҳисобланган дарсликлар, ўқув қуроллари топширилди. Эндиги вазифа фарзандларимизни билимли, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, — дейди мактаб директори Умида Усмонова.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«ЎЙИН»ЛАР ҚУРШОВИДА ҚОЛГАН ҚЎШМА КОРХОНА

ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ «ЖИБРИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ НИМА УЧУН ТЎХТАБ ҚОЛГАНЛИГИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА 3 МИЛЛИАРД 100 МИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ ТУШМАЙ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

Жиззах шаҳридаги «Жибри» Ўзбек — Британия қўшма корхонаси 1993 йилда ташкил топган. Бир йилда эллик минг тонна техник чигитни қайта ишлаш имконига эга мазкур корхона 1995 йилдан тўла қувват билан ишлай бошлади. Натижада 160 нафардан зиёд киши ишли бўлди. Умуман олганда, қаровсиз ва хароба жойда барпо этилган қўшма корхонада ишлар рисоладагидек кетаётганди. Унинг шаҳару вилоят иқтисодиётида тутган ўрни, мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганди.

Афсуски, бу кимларгадир ёқмади, кимларнингдир ғашини келтирди шекилли, худди ошдан тош чиққандай ҳол юз берди ва корхонага чигит бериш тўхтатиб қўйилди. Аввалига корхона мутасаддилари тўрт томонга чопиб кўришди. Натижа бўлавермагач, таъсисчи — «Еврокоммерц ЛТД» компаниясининг шу йил 1 майдаги йиғилиши қарорига асосан корхона фаолияти уч ой муддатга тўхтатилиб, ишчи-хизматчилар мажбурий таътилга чиқариб юборилди. Сабаби: хомашё йўқ! Аниқроғи хомашё бору, аммо уларни таъминлаш тўхтатиб қўйилганди.

Ҳаш-паш дегунча бир ой ўтди. Бу орадаги ёзишмалар, чоп-чоплару ва асаббузарликларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Энг ачинарлиси, одамлар ишсиз қолди. «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят солиқ бошқармаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси сингари ўнлаб таллуқли идоралару, нуфузли ташкилотларга ёзма, оғзаки мурожаатлар бўлди. Охир-оқибат, вилоят ҳокимининг «корхонани хомашё билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида»ги кафолат хатига (30 май, 2002 й. № 01-295) кўра «Еврокоммерц ЛТД» компаниясининг 31 майдаги йиғилиши қарорига мувофиқ корхона биринчи июндан бошлаб ишга туширилди. Бироқ, берилган чигит яна бир ҳафтагаям етмади. Яна югур-югур, ёз-ёз.

Қаранг, ҳатто вилоят ҳокимининг гапи ҳам инобатга олинмади. «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасидаги айрим мутасаддилар қўшма корхона хомашё билан таъминланмаганлигини чигит танқислигига боғлашди. Энди ҳисоблаб кўрайлик, вилоятда ўтган йили қанча пахта етиштирилган эди? Ундан қанча чигит олинган ва мой ишлаб чиқарувчи корхоналар қанча тоннадан чигит олдийкин? Ана шу саволларга жавоб топилса, масаланинг жуда нозик айрим жиҳатлари ҳам ойдинлашади.

Шу ўринда яна бир нарса кишини ўйга толдиради. «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси (раиси М. Акбаров) қўшма корхонанинг муассисларидан бири ҳисобланади. Даромаднинг 30 фоизига эгалик қилади. Лекин корхона тўхтаб қолганидан негадир ташвишга тушмаяпти.

Вилоят ҳокимининг ушбу кафолат хатида кўрсатилган 50 минг тонна чигит корхонага ажратилганда нима бўларди?

— 6,5 минг тонна пахта ёғи, 21,5 минг тонна кунжара, 19 минг тонна шелуха тайёрланган бўлар эди.

Бундан давлат бюджетига 2 миллиард 300 миллион сўм миқдорида актив солиғи, 730 миллион сўм қўшимча қиймат солиғи ва 30 миллион сўм бошқа турдаги солиқлар ташкил этиб, жами 3 миллиард 100 миллион сўм давлат бюджетига тушиш керак эди.

Афсуски, кимнингдир айби билан корхона ҳам, бюджет ҳам ана шунча маблағдан маҳрум бўлди. Хўш бунга ким жавоб беради? Агар кимдир давлат ва жамоат мулкини дейлик, бир-икки миллион сўм атрофида талон-торож қилса, қонун олдида жавоб берадику. Шундай экан, миллиардлаб сўм зиён келтирганларга нисбатан нега чора кўрилмаслиги керак?

Вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига устма-уст хат ва шошилинчномалар йўлланди.

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИРКОР ЮРТИМ ДЕСА, ҚОНУННИ БУЗМАЙДИ

Божхона қўмитасининг контрабанда ва божхона қоидаларини бузиш бўйича катта тезкор вакили, божхона хизмати подполковниги Икромжон УЗОҚОВ билан суҳбат

Маълумингизки, ҳар қандай маҳсулот қонуний йўллар билан олиб кирилсагина, унинг сифати ва истеъмолчи соғлиги учун зарарли эмаслигига кафолат бериш мумкин. Лекин, баъзи майда тадбиркорлар борки, улар ўз манфаатидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдилар. Сифатсиз молларни ноқонуний йўллар билан божхона ва солиқ тўловларини тўламасдан олиб кириб, бозорларимизни тўлдиришга уринишаяпти. Натижада, давлат хазинасига пул тушмаяпти ва харидорлар қўлига сифатсиз маҳсулот етиб бораяпти. Нисбатан арзонроқ бўлган бу маҳсулотларнинг бозори чаққон. Қонуний йўл билан олиб келинган, сифати кафолатли маҳсулотлар эса пештахталарда туриб қолаяпти.

Мамлакат ички бозорини ана шундай сифатсиз маҳсулотлардан муҳофаза этиш ҳамда ҳақиқий тадбиркорларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуматимизнинг 2 та қарори чиқди. Қўштирноқ ичидаги «тадбиркорлар» йўлига анча-мунча тўсиқлар қўйган Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 6 майида қабул қилинган «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ва куни кеча эълон қилинган «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳақида турли гап-сўзлар бўлаяпти. Моҳиятини тушунмаган айрим тадбиркорлар ва одамлар орасида ҳар хил миш-мишлар тарқалаяпти.

Ҳукуматимиз қароридан кўзланган мақсадни тўлароқ тушунтириш мақсадида таҳририят мақолалар уюштиришни режалаштирди. Қуйида сиз шу мавзудаги суҳбатларни ўқийсиз.

— Тан олишимиз керак, бозорларимизга қиғир йўллар билан сифатсиз маҳсулот олиб кириш йўлидаги ҳаракат кучайиб кетганди. Хитой каби қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган сифатсиз буюмларни бугун бозордан олиб, эртасига хуноб бўлган харидорни ҳар қадамда учратганмиз. Айнан ана шуларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бугун бозорга кирган киши мўл-кўлчиликни кўриб кўнгли кўтарилади. Бу яхши. Лекин ўша маҳсулот сифати-чи?

Энди қарорга кўра, бозорда савдо қилаётган тадбиркордан тегишли ҳужжат талаб қилинади. У ўз маҳсулотини расман олиб келганлиги тўғрисидаги ҳужжатни ҳам, сифат сертификатини ҳам кўрсатиши шарт.

— Шу ерда яна бир савол. Божхонада товарларни расмийлаштириш жараёни қандай кечмоқда? Айрим тадбиркорлар божхонага кўп пул тўлаяпмиз, деб ўз маҳсулоти нархини ошириб юборяётганлиги ҳам сезилиб қолаяпти.

— Саволингизнинг биринчи қисмига келсак, аввалари олиб келинаётган товарлар учун божхона божи, божхона расмийлаштириш ҳақи, қўшимча қиймат солиғи алоҳида тўланарди. Қанча оворагарчилик ва қоғозбозлик бўларди. Энди юқорида тилга олинган қарорга кўра, ягона божхона тўлови тўланади, холос.

Сиз тилга олган божхонага тўлаяпмиз, дейдиган тадбиркорларнинг мақсади бутунлай бошқа. Очиқроқ айтадиган бўлсак, буларнинг кўпчилиги аввалари божхонани четлаб ўтиб, тирикчилик қилишган. Қандай қилиб бўлса-да, божхона тўловидан ўзини олиб қочиб, қиғир йўл билан маҳсулот олиб кирганлар. Кўплари ўз ҳамёнини ва айрим нопок шахслар чўнтагини тўлдириб юрган сохта тадбиркорлардир. Бу билан улар мамлакат иқтисодиётига зарар келтирибгина қолмасдан, сифатсиз маҳсулот туфайли одамлар саломатлигини жиддий хавф остида қолдирмоқда. Ҳозир ана шундай шахслар қўлга тушаяпти ва уларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилмоқда.

Минг афсус, ана шу қарор чиққандан кейин ҳам қандай қилиб бўлса-да, қиғир йўллар билан юртимизга товарлар олиб киритишга уринишлар тўхтамаяпти. Маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб келинаётган товарлар асосан акциз маркасиз сигарет ва спиртли ичимликлар, видео ва аудио аппаратуралар ҳамда Хитойда ишлаб чиқарилган турли хилдаги товарларни ташкил этади. Бундан ташқари, қўшни Туркманистондан сифатсиз нефть маҳсулотларини олиб ўтиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Республикамиз ҳудудига ноқонуний йўл билан товар олиб кириш бўйича қисқа даврда 2 минг 52 та ҳолат аниқланди. Қўлга тушган товарларнинг умумий қиймати эса 910 миллион 802 минг сўмни ташкил этди. Масалан, ўзини бизнесмен деб атаган Мансур Алматов шу йилнинг 27 июнида Газ-53 автоуловида Қозоғистондан айланма йўл орқали 14 турдаги кийимларни юртимизга олиб кирмоқчи бўлганида Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган Тельман Газиев ҳам катта миқдордаги эски шиналарни бирор ерда расмийлаштирмасдан республикамиз бозорида сотмоқчи бўлган экан. Аммо ниятига етолмай қолди. Фарҳод Агишев эса Туркманистондан 5 минг 460 кути сигаретларни ноқонуний равишда олиб кириб, сотганидан сўнг анчагина даромад қилмоқчи бўлган. Лекин қиғир йўл панд берди. Энди ҳам молидан айрилди, ҳам қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

— Икром ака, Тошкентдаги айрим савдо шаҳобчаларида, айниқса ошхоналарда бўлсангиз, Қозоғистонда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларнинг кўпайиб кетганлигини кўрасиз. Ёрлиғи бир-биридан чиройли, номларини айтмайсизми? Ўша арақларнинг ҳаммаси қонуний йўл билан кириб келганмикан?

— Йўқ! Энди қиғир ишларнинг қийиғи чиқаяпти. Бир мисол. Шу йилнинг 19 июнида Мирзоҳид Тошевни навоийлик божхоначилар Қозоғистонда ишлаб чиқарилган акциз маркаларисиз 337 дона «Пшеничная» арағи билан ушлашди. Бу тадбиркорнинг мулки мусодара қилинди. Бу масаланинг бир жиҳати: Иккинчидан, ана шу ичимликнинг сифатига ким кафолат беради? Қўшни давлат ҳудудида қўлбола арақ цехлари йўқми? Наҳотки, бу сохта тадбиркор ўша спиртли ичимлик билан ўз яқинлари, юртдошларини заҳарлаётганини кўз олдига келтирмаса.

Менимча, юртимиз бозорларини тўлдирмоққа аҳд қилган тадбиркор ҳақиқий юртпарвар бўлиши керак. Сифатсиз маҳсулот олиб келган тадбиркор ноқонуний йўллар билан чегарадан ўтишга ҳаракат қилади. Оқибатда давлат хазинасига тушадиган пул тушмайди. Бозорга эса сифатсиз маҳсулот боради. Бу ҳаракат билан у жамият учун хавфли шахсга айланади.

Иккинчидан, истеъмолчи яна харидорни норози қилаяпти. Демак, харидор ҳаққига хиёнат юз бераяпти. Тадбиркорларни савдогар ҳам, деб аташади. Халқимиз тарихига назар соладиган бўлсак, савдогар элни эл билан улаган, халқни яъни юртдошларини боқиш учун минг азоб-уқубатда юрт кезган инсофли, диёнатли одамлар сифатида ҳурмат қилинган. Ҳозир ҳам шундай бўлиши керак. Аммо, шундай бўлаяптими? Бу саволга жавоб беришга келганда кўпчилигимиз, биринчи навбатда айрим тадбиркорларимиз қийналиб қолсалар керак. Юртим, деган тадбиркор эса асло қийналмай одамлар ва қонун кўзига тик қараб бемалол жавоб бера олади!

■ **Суҳбатдош: Анвар АБДУВАЛИЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгаши шаҳардаги «Муҳаммад Алибой», «Хурсандлик», «Андижон», «Саъдий» маҳаллалари, «Дон маҳсулотлари» ва «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятлари бошланғич партия ташкилотларида «Улуғ ўзгаришлар замони», «Миллатнинг камоли», «Истиқболимиз — мустақиллигимизда!» мавзуларидаги «давра суҳбатлари»ни ўтказди. Тадбирларда сўзга чиққан партия фаоллари мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ҳамда демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида гапирдилар.

ХДП Яккабоғ туман кенгаши, туман «Маънавият ва маърифат» бўлими ҳамкорлигида, «Мустақиллик — буюк неъмат» мавзуида туман солиқ инспекцияси, ижтимоий таъминот бўлими, санитария ва эпидемиология бўлими ходимлари ўртасида учрашувлар ташкил этди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган ушбу йиғилишларда, мазкур партия кенгашининг биринчи котиби Ш.Музаффаров, туман «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари М.Рўзиева, «Яккабоғ овози» газетаси муҳаррири Б.Азизовлар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг маънавий масалалари, демократиянинг моҳияти, жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни тўғрисида сўз юритдилар ва тадбир иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Акмал Икромов туман партия кенгаши 8-оилавий шифохона ва 2-трамвай депоси ишчи ва хизматчилари ўртасида «Мустақиллик масъулияти» мавзуида учрашувлар ўтказди. Унда мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби М. Ёқубов миллий истиқлолимизнинг мафкуравий ва сиёсий қирралари, жамиятнинг маънавий янгиланиши, озод диёримизнинг ҳур фуқаролари зиммасига юклатилган сиёсий масъулият ҳамда халқ манфаати йўлида Халқ демократик партияси ташкилотлари олиб бораётган ишлар тўғрисида сўзлади. Тиббиёт ходимлари билан ўтказилган тадбир сўнггида ХДП сафига қабул қилинган бир гуруҳ фаолларга партия билетлари топширилди.

Партия Ҳамза туман кенгаши узоқ йиллар туман ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатган партия аъзоларини байрам тадбирига таклиф этди. Тантанада ХДП Ҳамза туман кенгашининг биринчи котиби Ш. Файзиев партия фаолларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди.

ХДП Сирғали туман кенгаши тумандаги «Қипчоқ» маҳалласининг партия фаоллари, кекса ва ёшлари ўртасида «Истиқлол, дин ва тарбия» мавзуида очиқ мулоқот уюштирди. Тадбирда «Мулоқот» журнали ходимлари Давлатмурод Саъдуллаев ҳамда Баҳодир Худойбергеновлар ўз шеърлари билан иштирок этиб, тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишладилар.

«Юртга бордир керагим», деб номланган байрам тадбири **Амударё туман партия кенгаши** томонидан И.Урезбоев номли фермер хўжаликлари уюшмасида уюштирилди. Унда туманнинг иқтидорли ёшлари иштирок этдилар. Дзюдо, каратэ, кураш турлари бўйича, ёш бўлишига қарамай, юқори даражали совринларни олишга муваффақ бўлган Каъбир ва Элдор Эримбетовлар, Сарвар Тожибоев, Жаҳонгир Бобожонов ва бошқа спортчилар, иқтидорли шоира Ҳулкар Болтабоева, «Юлдузлар, кимсизлар?» китобининг муаллифи Санобар Жуманова ҳамда журналист Робия Йўлдошевалар билан ўтказилган савол-жавоблар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Амударё туман партия кенгаши «Зарбдор» ширкат хўжалигида «Энг яхши қайнона» кўрик-танловининг ўтказилишида бош-қош бўлди. Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган ушбу тадбир, кексаларнинг оиладаги мавқеи, уларнинг кўп йиллик турмуш тажрибаларини ҳамда миллий қадриятларимизни тарғиб қилишни ўзига мақсад қилган эди. Кўрик-танлов иштирокчиларига туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод туман кенгаши ва туман ижтимоий таъминот бўлими, ҳамкорликда, савобли ишга қўл урдилар. Қутлуғ байрам арафасида, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги «Кайр» маҳалла фуқаролар йиғинида узоқ йиллар мобайнида оддий ҳисобчиликдан то хўжалик раиси лавозимигача кўтарилиб, эл-юрт ғамини ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб ўтган, марҳум Ғуломжон ота Норматовнинг хотирасини абадийлаштириш ва улуғлаш мақсадида, «Ғуломжон ота» гузари қурилиши ҳашар йўли билан битказилди. Гузарнинг очилиш маросими кенг оммавий сайилга айланиб кетди.

Маросимда бир гуруҳ қарияларга эсдалик совғалари, ХДП сафига қабул қилинган 10 нафар ёш-йигит қизларга партия билетлари топширилди.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосарлари Р.Абдураҳмонова, Б.Холмирзаев, туман партия кенгаши биринчи котиби М. Ғуломов, туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Г. Абдураҳимовлар сўзга чиқдилар. **Партия Данғара туман кенгаши,** байрам арафасида, 150 нафар болалар учун «Озод Ватан— обод Ватан» мавзуида тадбир уюштирди. Шунингдек, мазкур кенгаш туман кўчалари ва боғларини байрмона шиорлар билан безатиш ишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

СЕРЖИЛО «ГИЛАМ»

Брюссель шаҳар ҳокимияти ҳар икки йилда аҳоли ва кўплаб сайёҳларни ҳайратда қолдирадиган тадбир ўтказади. Унга кўра шаҳарнинг энг гавжум майдонларидан бири — «Гранд Пляс» 75х24 метр ҳажмидаги 700 минг табиий гулдан иборат «гилам» билан қопланади.

Бу анъана 1971 йилда дизайнер — тасвирчи Этьен Стотемас ташаббуси билан табиий гуллардан ишлаб чиқилган серҳашам гиламни кўргазмага қўйишдан бошланган. 30 йил мобайнида мазкур гиламлар турли мавзуларга бағишланган. Хусусан, 1979 йили тадбир Брюсселнинг 1000 йиллигига бағишланган бўлса, 1980 йили эса Бельгия қироллиги давлатчилигининг 150 йиллиги муносабати билан ташкил этилган. Йиллар давомида гиламлар мавзулари ўзгаргани билан уни ишлаб чиқариш учун ишлатилган «хомашё» ўзгармасдир. У қизил, тўққизил, сариқ, тўқсариқ, оқ, пуштиранг ва бошқа рангли бегония — «begonia tuberosa grandiflora» гулларидир.

Ҳозирда ёзилган гилам мавзуи «Гранд Плясдаги Версал» бўлиб, у 1800 квадрат метр майдонни безаган. Лойиҳа муаллифи — бельгиялик дизайнер Марк Шотет ўз гиламида ушбу гулнинг сержило барглари орасига 1,5-7 метр баландликка мусаффо сув оқимларини отиб чиқараётган жами 5 фавворани жойлаштирган. Кеч кириши билан саккиз рангли бегония гулларига йўналтирилган ранг-баранг нурлар ва шу ердан таралаётган жозибали Гендел мусиқаси оҳанги остида ўз баландлигини электроника бошқаруви орқали ўзгартирувчи фаввора оқимлари ҳашаматли маконга янада гўзаллик бахш этмоқда.

■ **Жўра ДЕҲҚОНОВ, «Жаҳон» АА,** Брюссель

КОЛЛЕЖ ИШГА ТУШДИ

«Биз ҳар бир шаҳар ва туманда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари бунёд этиш масаласига, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов шу йил 31 май куни халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, — нафақат бугунги, балки эртанги кунимиз нуқтаи-назаридан келиб чиқиб ёндашишимиз... зарур».

Айни шу талабдан келиб чиққан ҳолда вилоятнинг Навбаҳор туманида мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида 750 талабага мўлжалланган замонавий агросаноат касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Коллежда қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва саноат корхоналари учун мутахассис кадрлар тайёрланади. Унда талабаларнинг таълим ва тарбия олишлари учун барча қулайликлар муҳайё.

Коллежнинг тез фурсатлар ичида ва сифатли қурилишида Навоий сув қурилиш акциядорлик жамияти бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Суратларда: (чапдан) қурувчи Даврон Ҳамроев, техника хавфсизлиги назоратчиси Самад Ҳамидов, прораб Сайфиддин Асланов ва ишчи Нигмурод Иззатов; коллежининг умумий кўриниши.

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«ЎЙИН»ЛАР ҚУРШОВИДА ҚОЛГАН ҚЎШМА КОРХОНА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алҳол, кунлар ўтаётгандию, корхонани чигит билан таъминлашда ўзгариш кўзга ташланмас, аҳвол «эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаётганди. Корхона 11 июндан бошлаб иккинчи бор номаълум муддатга тўхтатилди ва 162 нафар ишчи-хизматчи яна ишсиз, маблағсиз қолди.

Вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси айби билан биринчи чорақда шартномадаги хомашё етказиб берилмаганлиги учун қўшма корхона вилоят хўжалик судига етказилган зарарни ундириб беришни сўраб мурожаат қилди. Хўжалик суди даъво аризани кўриб чиқиб, «Жибри» қўшма корхонаси ҳисобига 23 миллион сўм, ҳамда 4600 тонна чигитни соф ҳолда етказиб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Эшитишимизча, бу қарорга вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилган эмиш.

Акром РАҲМОНҚУЛОВ — қўшма корхона раҳбари:

— Дурустгина ишлаб тургандик. «Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, тўсатдан чигит бермай қўйишди. Чигитсиз ишлашнинг иложи йўқ. Ўйлаб, ўйимга етолмайман. Баъзан, ишимизга зимдан, пинҳона тўсиқ қўйилмаяптимикан, деган хаёлгаям бораман. Акс ҳолда корхонамизга хомашё бермай қўйишдан мақсад нима? Шу йилнинг биринчи чорагида 10.000 тонна ўрнига 5584 тонна, иккинчи чорагида 6000 тонна ўрнига 744 тонна техник чигит берилганига нима деса бўлади? Ярим йилда корхонамиз нақд 9616 тонна чигит ололмади? Шунинг ҳисобига 25 миллион сўмдан ортиқ соф фойдадан маҳрум бўлдик. Ишчи-хизматчиларимизнинг иш ҳақидан 16 миллион сўмдан кўпроқ қарздормиз.

Мухтор АКБАРОВ, вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси:

— Борини берганмиз. Аксига олиб, ўтган йили вилоятда пахтанинг ўзи мўлжалдагидан анча кам бўлди. Чигит ҳам шунга яраша чикди. Бундан ташқари, кўкламги об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли техник чигитни қисман уруғлик сифатида ушлаб турдик. Экиш мавсуми тугаши билан униям қайта ишлаш корхоналарига тарқатдик. Энди, бўлари бўлди, етмаганига қарздормиз. Қолганини янги ҳосилдан олишади...

Адҳам ХОЛМУРОДОВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Аслида қўшма корхонанинг ўзидаям айб кўп-да, ўзи. Фермерларнинг эътирозларини эшитинг. Аксарияти топширган чигитининг ёғи, кунжарасини ололмасдан овора. Ишонмасангиз, корхона ишлаётганда бир боринг. Тумонат одам. Оёқ қўйишга жой тополмайсиз.

Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, корхона бош ҳисобчиси:

— Хомашёнинг ўзи бўлмагандан кейин қандай ишлаймиз, қаердан фермерга ёғ, кунжара топиб берамиз? Ўтган олти ойда олинмай қолган 9616 тонна чигитни беришганда эди, яна 1093 тонна пахта ёғи ишлаб чиқариб, бюджетга шундан 386 миллион сўмдан ортиқ фойда келтирмасмидик?

Абдували ХУДОЙБЕРДИЕВ, корхона ишчиси:

— Гап кўп, иш оз... Қайсидир бир каттакон «Жибри»га чигит берилмасин, деган кўрсатма берганмиш, деб эшитдик. Балким, бу гап нотўғридир. Унда, «Пахтасаноат» ҳудудий акционерлик бирлашмасининг пахта тозалаш корхоналаридаги техник чигитни зудлик билан ташиб кетишимиз тўғрисидаги хатига асосан 31 май куни Зарбдор, Дўстлик, Иржар, Зафаробод пахта тозалаш корхоналарига жўнатган 18 та юк машинамизнинг ҳаммаси бўш қайтганига нима дейсиз? 1 июнь куни эса 12 та автомашинамиздан фақат 2 таси чигит олиб келганига-чи? Икки кунда пахта тозалаш корхоналарига юборган автомашиналаримиз ҳеч иш қилмаган бўлса-да автобазаларга 447678 сўм тўладик.

...Дарҳақиқат, кун ўтган сайин ишламаётган қўшма корхона теварагидаги гап-сўзлар кўпайгандан кўпайди. Биров «раҳбари катталарга ёқмай қолганмиш, бўшатишармиш» деса, бошқаси «Низом жамғармаси нотўғри ҳисобланган экан, энди қайтадан ҳисоблаб чиқармиш» дегандай гап топиб келди. «Деди-деди», «миш-миш»лар кўпайгандан кўпайди. Лекин, корхона ишламади.

«Еврокоммерц ЛТД» компанияси раҳбарияти иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналардан ҳисобланмиш мазкур корхонани хомашё билан таъминлаш, ишсиз қолган ишчиларни ишга қайтариш, маҳаллий бюджетга қўшимча даромад келтириш лозимлиги эслатилган хатлар йўллади. Бундай эслатмаларга нисбатан негадир бефарқ ва лоқайдлик билан қараётгандек эди.

Беихтиёр ўйлаб қоласан киши: нималар бўлаяпти ўзи? Хорижлик ҳамкор билан бирга ликда ташкил этилган, бинойидек ишлаб турган, юз олтмишдан зиёд одамларни иш билан таъминлаган бу корхона фаолиятини қўллаб-қувватлаш ўрнига ким уни тўхтатишдан манфаатдор бўлаяпти? Одамларни иш билан таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб турган бир пайтда ким шунча одамни ишсиз қолдиришга журъат этди?

Юртбошимиз янги иш ўринлари яратиш, одамларни иш билан таъминлаш, чет эл сармояси иштирокида янги корхоналар очиш зарурлиги ҳақида қайта-қайта уқтираётган бир пайтда ишлаб турган корхонани сунъий йўллар билан тўхтатилишини нима деб атаса бўлади?

Бу корхона фаолияти ҳақида бошқа гаплар ҳам бор. Айримларнинг айтишича, бир пайтлар корхона биноси жуда арзонга баҳоланган экан. Тўғри, ҳозирги кун кўзи билан қаралса, анча арзон туюлиши мумкин. Аммо ўша пайтдаги шароитдан келиб чиқилса, бошқача хулосага келиш мумкин. Нима бўлганда ҳам ўша пайтда бино нарх-навосини хорижлик ҳамкорлар эмас, балки ўзимизнинг мутахассису масъул ходимлар белгилаган, шартнома имзолашган. Агар ҳозир бундан 5-10 йил илгари тузилган бундай шартномаларни кўтариб, ревизия қиладиган, бошқатдан баҳолайдиган бўлсак, кўп ғавғоли, мунозарали муаммолар ботқоғига ботиб қолишимиз мумкин. Қолаверса, аввалига аҳдлашиб, кейин орадан беш йил ўтгач, «кечирасиз, мен адашибман», дейиш лабзи ҳалолликка, қонунчилик талабларига тўғри келадими?

Нима бўлган тақдирда ҳам корхонани тўхтатиш лозиммиди? Корхонани тўхтатмай туриб бу масалалар ҳал этилса бўлмасмиди?

Биз ҳуқуқий демократик давлат қуряпмиз. Шундай экан, қонунга итоат қилиб яшашга кўникишимиз лозим эмасми?

Бу мақола атрофида ҳам қонун доирасидан ташқари «ўйин»лар бўлиши мумкин. Чунки ишламай ётган корхонанинг ўзи ана шунақа «ўйин»лар қуршовида қолганга ўхшайди

Биз яна бир бор таъкидламоқчимиз, қўшма корхона билан қайсидир идора ўртасидаги ҳисоб-китобларга ҳозирча аралашмоқчи эмасмиз. Қонун бор, суд бор. Зарур бўлса, қўлимиздаги бошқа маълумотларни кейинроқ ошкор қиламиз. Ҳозир эса фақат ишсиз қолган одамлар арзлари бўйича фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик, холос.

Қўлимизда корхона сунъий ғовлар билан тўхтатилганлигини исботловчи маълумотлар етарли. Лекин кимнинг айби, кимнинг таъсири билан шундай ҳолат рўй берди? Бу «ўйин»лар ортида ким турибди? Бу билан идоралар қизиқиб кўрар деган умиддамиз.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

МЕНИНГ ФИКРИМ — ҲАҚИҚАТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз бу масалага кўп тўхталаётганлигимизнинг сабаби бор. Аввало, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги йўлини танлаган эканмиз, бу эркинликларни суиистеъмол қилмайлик, демоқчимиз. Тўғриси, баъзи ҳамкасбларимиз эркинлик ва ошкораликни танқидбозликка йўл, деб тушунишади. Танқид устига тан-қид ёзишади-да, ўзларини демократ ва ҳақиқатчи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Кўп ўтмай, баъзан бу танқидлар буюртмага кўра ёки таъма эвазига ёзилганлиги маълум бўлиб қолади. Одатда, кимдир кимдан ўч олиш ёки кимнидир ёмонотлиқ қилиш учун буюртма беради. Бу буюртма таъма билан боғлиқ. Баъзан эса таъмагирликка ўрганиб қолган журналист ўз оромини ўзи йўқотиб, танқид орқасидан қувади. У ҳаётни фақат қора кўзгуда кўради, ҳаётда нур бўлса ҳам сезмайди. Қора кўзгу орқасида тирикчилик ўтказишга ўрганиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас.

Биз буларни осмондан олиб айтаётганимиз йўқ, кўп йиллик журналистлик фаолиятимиз давомида бундайларнинг анча-мунчасини кўрдик. Сўзсиз, бундайлар сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини ўз манфаатларига мослаб талқин қиладилар. Нафақат талқин қиладилар, балки бу эркинликдан ғаразли мақсадда ҳам фойдаланадилар. Шунинг учун журналист масъулияти ва касб одобининг мезонлари ўтган сессияда биринчи ўқишда тасдиқланган ва энди умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиладиган **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»**ги Қонун лойиҳасида кенгроқ ва мукаммалроқ акс этса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бизнингча, муҳокама жараёнида бу борада кўп фикрлар туғилиши ва таклифлар киритилиши муқаррар.

Зеро, биз, журналист терговчи эмас, яхши суҳбатдош, тадқиқотчи, таҳлилчи бўлишини истардик. Ҳатто бирорта шикоятни текширишга борганида ҳам ҳадеб одамларни сўроққа тутавермасдан, синчковлик, кузатувчанлик, яхши гаплар ила одамларнинг қалбига қўл солиш билан ҳам вазиятни аниқлаш ва ҳақиқатни ойдинлаштириш мумкин. Баъзан телеэкранда суҳбатдошини довдиратиб сўроққа тутаётган журналистни кўрсак ёки газетада бировнинг шахсияти ҳақоратланиб ёзилган танқидий мақолани ўқисак, ўзимизни жуда ноқулай сезамиз. Чунки одамлар «ҳамма журналистлар шундай» — деб ўйлашлари мумкин-да, ахир.

Жамиятда журналистнинг ўз муносиб ўрни бўлганидек, обрўси ҳам катта. Халқ унинг сўзи ва ҳақиқатига кўпроқ ишонади, унга умид кўзи билан қарайди. Бизнинг бу ишончга хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ. Биз ҳамиша холисона ва ҳаққоний ёзишимиз керак. Шахсий фикримиз, шахсий мулоҳазамиз шахсий манфатдан устун келсагина, ҳақиқатга яқинроқ бўламиз. Шундагина, бизнинг ҳақиқатимиз жамият, халқ манфаатига хизмат қилади.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

БУХОРОДА ҚОВУН САЙЛИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро аҳли ҳамда меҳмонлар ранго-ранг, тилими тилни ёрадиган қовунлар ҳидидан сармаст бўлдилар. Шаҳар марказидаги тарихий Сомонийлар боғи вилоят далаларида етиштирилган олтмиш турдан зиёд қовун ҳамда тарвузларга тўлди. Ҳамма туманлар ташкил этган савдо расталари дид билан безатилган, карнай-сурнай садолари эса ҳаммани тонгданоқ қовун сайлига чорлади.

— Сайилда ҳар йили қатнашиб, қуруқ қолганимиз йўқ, — дейди Шофиркон туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги раиси Муқим Шамсиев, — Аньанавий байрамга соҳибкорларимиз ўнлаб қовун навларини туҳфа қилишди.

Аньана тусини олган сайил туфайли вилоятда қовуннинг унутилган навлари қайта тикланиши бозорлар сароблигини таъминлаш ҳамда халқ саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Шу боис сайилда фаол иштирок этганлар вилоят ҳокимлиги, қишлоқ хўжалик мажмуи, касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан тақдирландилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

БОЗОР — ТЎКИНЧИЛИК РАМЗИ

Самарқанднинг «Сиёб» бозори довруғини етти иқлим билади. Унинг бугунги майдони 7,5 гектарга кенгайди. Кейинги йилларда бу ерда 73 миллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари бажарилди. Савдо ўринлари икки баробар кўпайди. Энг муҳими, харидорларга ҳам, сотувчиларга ҳам қулай шароитлар яратилди. Тозалик, озодалик ишлари, тош-тарозилар таъминоти, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун савдо тармоқлари, атторлик дўконлари иши йўлга қўйилди. Расталардан батартиб жой олган олма, анор, нок, беҳи, анжиру узумларни йилнинг тўрт фаслида ҳам харид қилишингиз мумкин.

Таърифи достон Самарқанд нонлари-ю хоржликлар иштиёқманд миллий ширинликлар: кунжутли ҳолва, ва парвардаларнинг мўл-кўллигини айтмайсизми? Буларнинг ҳаммаси «Сиёб» бозорининг ўзига хос файзу тарофатидир.

■ **Суратларда: бозордан лавҳалар.**
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

БАДИА

НОН ҚАДРИ

Нон қадри! Нон таъми! Нон ҳиди...

Ушбу олти сўздан иборат учта бирикманинг ҳар учаласида «нон» сўзи ажиб бир улуғворлик билан янграйди. Улардан истаган бирини талаффуз қилган кишининг кўз олдида бепоён ғаллазору, қадоқ қўлли деҳқонлар, тандир олдида нон ёпаётган новвойлар намоён бўлади.

Эсимда, болалик чоғимизда раҳматли онамиз ўзимизга егулик нон ёпарди. Нонушта чоғи олдимизга янги ёпилган нон синдириб қўйилганда уйимизни ажиб лаззатли нон ҳиди тутиб кетишини ҳали-ҳали ички бир энтикиш, ички бир ҳаяжон ва соғинч билан эслайман. Онам ёпган нон мазаси бошқача бўларди-да... Ҳозир ушбу сатрларни битаяпману, оғзимда ўша нон мазасини туйгандек, унинг ёқимли ҳидини сезгандек бўлаяпман...

Нон ҳақида не-не алломалар дил сўзларини хўп ва кўп айтмади, дейсиз... Нон тўғрисида не-не мақоллар, не-не маталлар дунёга келмади... Қаранг, оналар фарзандларидан хафа бўлганларида, ўз эътирозларини «уйинг буғдойга тўлгур!» деб изҳор қилишади. Ҳатто, ўзининг баъзи ёт хулқи, ножўя хатти-ҳаракатлари билан нохуш таассурот қолдирадиган кимсаларни нари борса «нон емас» деймиз. Бу «ном»ни кўтариб юриш ўша одам учун нақадар оғирлигини ҳам тасаввур қилинг.

Киши ёши улғайиб борганида сари унинг атроф-муҳитда содир бўлиб турадиган воқеаларга, ҳодисаларга нисбатан қарши фикри, тафаккури ўзгариб бориши — янгилик эмас. Бу азалий бир қонун. Нон билан боғлиқ тушунчалар ва хотиралар ҳам чамамда шундай.

1

Бирор кунимиз усиз ўтмайдиган тенгсиз неъмат — нон дастурхонда қандай пайдо бўлади? Бу ҳақда кам ўйлар эканмиз, очиғи, ўйламас ҳам эканмиз. Чунки киши қийинчиликсиз, муҳтожликсиз топган нарсасининг қадрига ҳамиша ҳам етавермайди. Бу бизнинг хом сут эмган бандаларнинг аксариятимизга тегишли камчилик, балки.

Хизмат тақозоси билан Жиззахда ишлаб юриб, лафзи ҳалол деҳқонлар орасида бўлганимда мен нон қадрини янада чуқурроқ англадим. Обҳаво қурғоқ келганида — кўзлари кўкда-ю қўллари ишда, фикри-ёди ғалласини бир амаллаб йиғиб олиш иштиёқи билан банд миришкор деҳқонлар гурунгида яна ҳам теранроқ ҳис этдим бу қадрни.

Иқтисодчилар, сиёсатшуносларнинг ва яна қанча-қанча мутахассисларнинг тан олишига кўра, мамлакат бойлиги ғалла билан, унда қанча ғалла етиштирилгани билан (олтин билан эмас, гавҳар билан эмас, ер ости-ю, ер устки бойликлар билан эмас!), ғалла билан ўлчанаркан. Ана шу оддий ҳақиқатни англашнинг ўзиёқ киши қалбида замонга, мустақиллик йилларига шукроналик пайдо қилиши, табиий.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар қувончли натижалар бергани барчага аён. Президентимиз Ислом Каримов — биз олдимизга қийин, бироқ мамлакатимиз тақдири учун муҳим бўлган вазифа — ғалла мустақиллигигига эришиш масаласини қўйганмиз, ғалла мустақиллигига эришмасдан туриб, юртни бадавлат ва бақувват қилиб бўлмайди, — дея қайта-қайта таъкидладилар ва ўзи бу борада ташаббускор бўлдилар. Зеро, «пахта яккаҳокимлиги сиёсати» таъсирида вояга етган халқ онгида «Пахтасиз ҳаёт йўқ!» деган тушунча ҳали сақланиб турар ва у биз билан бирга ўсиб, бирга улғайиб келарди. Бундан ташқари бизга ўргатилган эдики, жаҳон бозорида бир килограмм пахтанинг пулига йигирма килограммга яқин ғалла беради, деб... Шунга қарамай, Юртбошимиз раҳнамолигида ғалла мустақиллиги учун кураш бошладик. Ва кураш самарасиз бўлмади: мамлакатимиз эндиликда ўз-ўзини ғалла билан тўла-тўкис таъминлай оладиган бақувват давлатга айланиб олди.

Шу йилнинг 18 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисда: **«Бугун бу соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз,** — дея таъкидлади Президентимиз, — **биз олдимизга қўйган аниқ стратегик вазифамиз — яъни, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлащдек, тарихий вазифа муваффақият билан бажарилганини эътироф этиш керак.**

2

Бу айни вақтда халқимиз фаровонлигини оширишнинг ягона йўлидир...»

Мамлакатимизда етиштирилган беш миллион 300 тонналик ғалла хирмонида жиззахлик деҳқонларнинг ҳам ўзига хос улушлари бор. Бугун уларнинг юзи ёруғ: давлатга дон сотиш шартномаси режаси ошириб бажарилди. Мамлакат вилоят деҳқонларидан 286 минг тонна сара ғалла ҳосили қабул қилиб олди. Дўстлик туманидаги «Ўрол» фермер хўжалиги аъзолари кўтарган хирмон гектарига 66 центнерни ташкил этган бўлса, шу тумандаги «Бекжон» фермер хўжалиги — 64,8, Зафаробод туманидаги «Хумо» фермер хўжалигида бу кўрсаткич — 58,8, Жиззах туманидаги «Ғайбулла бобо» фермер хўжалигида эса 55 центнерга етди.

Биз қувонч билан қайд этган бу хирмонлар ортида минглаб деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатини, афсуски, ҳамма ҳам аниқ тасаввур эта олмайди...

Нон қадрини, ҳар бир бошоқ ғалла учун олиб бориладиган шижоатли меҳнат машаққатини англаб етишишимиз учун ҳали кўп маърифий ишлар олиб бормоғимиз, айниқса, ёшларимиз, ўсиб келаётган фарзандларимиз онгида нонга, унинг бунёдкори бўлмиш ҳазрати деҳқонга бўлган чуқур ва самимий ҳурмат ҳиссини ҳар кун, ҳар он тарбиялаб боришимиз муҳим аҳамиятга эга. Токи, ўғил-қизларимиз нонни қадрлаш, уни эъзозлаш — фарзу қарз эканлигини билсин. Бу эъзоз, бу ҳурмат нонга фақат озиқ-овқат тури сифатидагина қарашдан иборат бўлмай, балки, юртимиз ва давлатимиз қудрати, бойлигининг ажралмас бир мезони сифатида бўлсин. Ана шундагина янада яққолроқ, янада қадрлироқ сезилади, нон қадри, нон ҳиди, нон таъми...

■ **Қудратилла РАФИҚОВ,**
сиёсатшунос.

3

УМИДБАХШ ҚЎНҒИРОҚЛАР

ЁКИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНЛАРИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАШ, НОХУШЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ОМИЛИ ЭКАНИ ҲАҚИДА

Давлат, муассаса, ташкилот ва идораларга «Ишонч» телефонлари ўрнатилгани ўзига хос огоҳликка даъватдир. Тараққиётга тўсқинлик қилаётган, ҳуқуқ-тартиботни бузаётган айрим кимсаларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳушёр ва зийрак одамлар қўнғироқ қилишмоқда. Мухбиримиз ана шундай қўнғироқлар бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида «Ишонч» телефони мутасаддиларининг фикри билан қизиқди.

ОДИЛЛИК ВА ОКИЛЛИК ЙЎЛИДА

Бахтиёр АЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси:

— Республика Адлия вазирлигида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай тадбирга қўл уришда биз асосан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга кўпроқ тадбиқ қилишга эътиборни қаратганмиз. Ўйлаган ишимиз чакки бўлмаяпти. Одамлар ўзларининг дил сўзларини, муаммоларини биз билан баҳам кўрмоқдалар.

«Ишонч» телефонларини ўрнатиш учун бу борадаги ишларни йўлга солишга оид Низом ишлаб чиқилиб, уни кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш республика мувофиқлаштирувчи кенгашдан тасдиқлатиб олдик. Вазифа ноқонуний текширишларнинг олдини олиш, тадбиркорларга нисбатан қилинаётган ножўя ҳаракатларга барҳам беришдан иборат. Қўнғироқлардан олинган маълумотлар алоҳида китобга қайд этиб борилади. Муаммолар жўғрофий ўрнига қараб Қорақалпоғистон ва вилоятлар адлия бошқармалари билан ҳамкорликда ҳал этилади.

Масалан, Нишон тумани, «Дўстлик» ширкат хўжалиги Наврўз қишлоғида яшовчи фуқаро Одил Қаршиев қўнғироғига қараганда, туман ҳокимлиги томонидан фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилмаётган экан. Адлия бошқармасининг масъул ходими бу масалани ўрганди ва шу йил 30 январь куни О.Қаршиев бошлиқ фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиқарилди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Айтайлик, шу йилнинг 26 март куни Жиззах вилояти, Зафаробод тумани давлат солиқ инспекцияси белгиланган муддатларга риоя этмасдан текширишлар ўтказгани хабар қилинди. Ваҳоланки, «Бахт» фермер хўжалигини 2001 йил 15 апрелдан 15 майгача текшириш кўзда тутилган эди. Тадбир эса 30-31 май кунлари амалга оширилган. Шунингдек, «Бектемир» фермер хўжалигини текширишда ҳам хатога йўл қўйилган. Режага мувофиқ кўзда тутилган муддатларда текшириш ўтказилмай барвақт ишга киришилган. Оқибатда тадбиркорларнинг қутилмаганда тинчи бузилгани учун айбдорларга жарима солишга тўғри келди.

Шу йилнинг биринчи ярмида «Ишонч» телефонларига турли вилоятлардан қарийб 500 та қўнғироқ бўлди. Бунинг 149 таси ҳуқуқи тикланганлар сирасига кирса, 335 тадан кўпроғи, ҳуқуқий тушунтириш берилганлар ҳисобида туради. Қўнғироқларнинг кўпи Бухоро, Самарқанд, Андижон ва Тошкент шаҳрига тўғри келади. Биз умид билан телефон қилаётганлардан мамнунмиз. Шу боис, ишонч телефонларимиз рақамларини яна бир бор эслатишни лозим топдик: 133-10-14, 133-18-86, 136-05-09.

НОЖЎЯ ҲАРАКАТЛАР ОЛДИНИ ОЛИБ

Абдужаббор АҲМАДЖОНОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси навбатчилик қисмлари бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги:

— «Ишонч» телефонлари одамларнинг ишончини оқламоқда. Бизни мамнун этгани одамлар тезда ўрганиб, ўз қўнғироқлари орқали биз кутгандан ортиқ маълумотларни бера бошлашди. Сўзсиз ҳар бир олинган маълумот алоҳида китобда қайд этилади ва унинг мазмунига қараб тегишли бўлимларга етказилади.

Халқимизнинг ҳар қандай кирдикорликларни фош этишга ҳозиру нозирлиги, адолатсизликка тоқат қилолмаслиги, ҳалоллик ва покликка интилишлари уларнинг бизга бераётган маълумотларида ўз ифодасини топмоқда. Айтайлик, 14 август куни Шайхонтоҳур туманидан олинган хабарга қараганда, Жаҳон тиллари университетининг талабаси А. Варфоломеев пенсионер В. Артамохинанинг уйига пул илинжида босқинчилик уюштиради. Бироқ, жабрланувчи қаршилик кўрсатиб, қўниқўшниларни ёрдамга чақиради. Жиноятчи эса қочиб кетади. Тезкорлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида текинтомоқ А. Варфоломеев қўлга олинди. Собир Раҳимов туманида ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлган. 1 август куни «Ишонч» телефонларига қилинган қўнғироқ бўйича ҳеч қаерда ишламайдиган, Лангар кўчаси 80-уйда яшовчи Ш.Маҳмудова хонадонини кўздан кечиришга тўғри келди. Унинг ҳовлисидаги гаражидан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига хилоф равишда Чимкентдан олиб келинган ва сотиш учун тайёрлаб қўйилган 33 хилдаги 1271203 сўмлик дори-дармонлар борлиги аниқланди. Бу ҳам одамларнинг ҳушёрлигидан бир нишона. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида 29 июль куни соат 2.40 ларда нохушлик юз бергани ҳақида қўнғироқ бўлди. Аён бўлишича, шу куни ярим тунда икки номаълум шахс Г.Узоқов кўчасидан «Тинчлик» бекатига олиб бориб бўйнини сўраб, «Шарқ савдо йўли» ҳайдовчиси К.Одиловнинг «Тико» русумли, 10 АО 744 рақамли автоуловига ўтириб, манзилга етганларида тўхташни сўрашган. Ҳайдовчининг бўйнига пичоқ тираб, машинадан тушириб, автоуловни олиб қочишган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятни содир этган, ҳеч қаерда ишламайдиган, аввал судланган О.Расулов билан унинг ҳамтавоғи К.Икромовлар экани маълум бўлди. Автоулов жабрланувчига техник соз ҳолда қайтарилди.

Яна бир мисол. Бизга қилинган қўнғироқ туфайли Сирғали туманида 1 август куни содир этилган воқеадан хабар топдик. Маълумотларга қараганда, «Сирғали-6» мавзесидаги кийим-кечак бозорида шу туманда яшовчи Т.Хан исмли кимса 1000 АҚШ долларини тадбиркор А.Жимибоевга 1350000 сўмга сотиб, энди ҳисоб-китоб қилаётганида қўлга олинди. Булар бизга қилинаётган юзлаб қўнғироқларнинг айримларидан намуналар, холос. Ўйлаймизки, одамлар бундан буён ҳам бизнинг — 133-64-97, 136-75-82, 136-75-66 рақамли «Ишонч» телефонларига қўнғироқ қилиб, умумий ишимизга кўмак бераверадилар.

Одамлар умид билан яшайди, эзгуликка интиладди. Хожатбарор, савоб кетидан қувадиган, атрофида юз бераётган ножўя ҳаракатларга бефарқ бўлмаган инсонлар эса огоҳдирлар. «Ишонч» телефонлари ана шундай зийраклар учун ўзига хос нажот «машъал»ига айланмоқдаки, уларнинг умидбахш қўнғироқларидан ўнлаб қонунбузишлар, ножўя ҳаракатлар бартараф этилмоқда. Бу эса халкимизнинг тинч меҳнати барқарор тараққиётга наф келтирмоқда.

■ **Суҳбатни Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 11, 18, 25 октябрь кунлари соат 11.00 да Республика биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оқмачит қўрғони, «Наврўз» хўжалиги, Б.Ваҳобов кўчасида жойлашган 35-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (35-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 21 565 АҚШ доллари

2. Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Шайман қишлоғида жойлашган 2-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (2-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 29 012 АҚШ доллари

3. Самарқанд вилояти, Қўшработ туманида жойлашган 11-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (11-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 29 566 АҚШ доллари.

4. Наманган шаҳри, К.Мамарасулов кўчасида жойлашган 39-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (39-КАЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 51 112 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com

«Ихтисос маркази» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**. Код ОКПО 18245902. Ариза ва шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй, тел.: 136-71-73.

«Отчопар буюм бозори» ОАЖ тизимидаги «Отчопар-Сервис» шўъба хўжалик жамияти

ТУГАТИЛАДИ. Код 18413317.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-«А» уйда ҳамда 79-73-40 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туман ҳокимияти томонидан Александр Равильевич Терёшин номига 2001 йилда берилган №0306283 рақамли патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУҲАББАТ ТАФТИ

Жаҳон аро азиз ягонам,
Диёнатдан яралган онам.
Юраклардан ювилди доғлар,
Фарзандларинг энг буюк тоғлар
Хазинангда иймон сўзи бор,
Муҳаббатнинг ўтли кўзи бор.
Мардоналик руҳ, қудрати бор,
Ҳалолликнинг гулдай юзи бор.
Ич-ичингда маърифат яшнар,
Севгисану севгига ташна,
Ёниб-ёниб куйланган достон,
«Боғи эрам» мисоли бўстон —
Ўзбекистон, эй, сен, жон элим!
Насибангдир фақат шон, элим!
Фидойилик жонларимизда,
Жўш уради қонларимизда!
Ана шундай муҳаббат тафти,
Ватан, сени яшартираяпти!

■ Гулнора МАНСУРОВА

«ГАЗАВТОМАТИКА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, 2002 йил 8 октябрь соат 15.00 да «Газавтоматика» очиқ акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият директорини сайлаш.
2. Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 20 сентябрь ҳолатига кўра ёпилади.

«ГАЗАВТОМАТИКА» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ВАТАН ПОЙДЕВОРИ

ЯНГИ ФИЛЬМ

Наргизанинг отаси фирмаси орқали уни чет элга ўқишга юбормоқчи бўлганлигини айтганида Эркин роса қувониб кетди. Ахир чет элга бориб ўқишни, ишлашни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Аввало дунёни кўради, билимини оширади.

Шакарбулоқлик оддий печ устасининг ўғлини ана шундай ёруғ истиқбол кутиб турганди. Лекин...

Олис Гузордаги Шакарбулоғига борди-ю, айниб қайтиб келди. Севгилисига ўқишни тугатиб қишлоғига қайтмоқчи бўлганлигини айтди. У ерни обод қилмоқчилигини, унинг ўрни Европада эмас, қишлоқда эканлигини тушунтиришга уринди.

— Мени ўша чўлингизга бориб яшайди, деб ўйлайсизми?

— У ер чўл эмас.

— Балки, Европа дерсиз.

— Европани ҳам одамлар қурган.

— Чўлнинг ўртасида балки Римга ўхшаш шаҳар ҳам қураман, дерсиз.

— Ёғли жойларни ўйлаб қочиб қолмасак, албатта, қурамиз.

— Кетишингиз чинми, қарорингиз қатъийми?

— Қатъий.

— Унда орамиз очиқ, қишлоғингизда чангга ботиб яшайверинг.

Иккови икки ёққа ажралди. Наргиза Тошкентда қолди. Эркин қишлоққа жўнади.

Эркинни оҳанграбодек қишлоғига тортиб турган нарса нима эди?

Назар Эшонқул ва Олим Мурадовларнинг сценарийси асосида суратга олинган «Пойдевор» номли бадиий видеофильмда юқоридаги саволга жавоб қаҳрамоннинг эътиқодидан қидирилади: ҳамма одамлар фақат ўз жонининг роҳатини ўйлайверса, унда юртимизни ким обод қилади? Қишлоқлик ҳар бир йигит шаҳарликка айланаверса, чанг кўчани ким асфальт қилади, ким қишлоққа газ ўтказади? Европани ҳам бизга ўхшаган одамлар қурган.

Мазкур фильм Шўртан газ кимё мажмуи қурилишида қатнашган, ўз қўллари билан ватанимизни обод қилаётган ёш замондошларимиз — ўнлаб эркинлар ва наргизалар ҳақида.

Дарвоқе, бой хонадоннинг эрка қизи Наргиза ҳам ўзи айтган «одам бормас чўл»га келади. Газ мажмуи қурилишида Эркин билан елкама-елка ишлайди. Тўйлари ҳам ўзлари чўл бағрида қурган Римга ўхшаш янги шаҳарчада бўлади.

Қаҳрамонларимиз ўз қўллари билан тиклаган Шўртан газ кимё мажмуи ва шаҳарчани кўриб шунга амин бўлишади: шу ернинг ўзида Римдан ҳам, Лондондан ҳам улуғроқ шаҳарчалар тикласа бўлади. Бунинг учун ғайрат керак, шижоат керак. Ҳар бир инсон, ҳар бир ёш ўз тақдирини фақат ватан тақдири билан, ўз рўзғорини фақат ватан ободонлиги билан боғласалар бўлди.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг замондошларимиз амалга ошираётган ишлар ҳақидаги қалдирғоч фильмини таниқли оператор Саъдулла Ўринбоев суратга олган. Бундай савобли уринишларни эса фақат қутлаш керак. Чунки юртим деган ҳар бир ёш келажакнинг пойдеворидир. Пойдеворида Шўртанга ўхшаш завод ва фабрикалар бўлган Ўзбекистон, албатта, улуғ давлатга айланади. Буюк келажакнинг пойдеворини шубҳасиз сизу биз қурамиз. Истиқбол бугун қурилаётган пойдеворга боғлиқ.

■ Акбар ЖОНУЗОҚОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

СПОРТ

ЭЛЛИК ОЛТИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДА

30 август — 2 сентябрь кунлари Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида кураш бўйича IV жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг эллик олти давлати полвонлари гиламга чиқдилар.

Мусобақанинг дастлабки куни аёллар баҳсида Кристина Назарян (52 кг. Арманистон), Оқтой Ибей (63 кг. Туркия)лар олтин медаль соҳиби бўлишди. Иккинчи куни эса ҳамюртимиз Исоқ полвон Аҳмедов (81 кг) илк беллашувда жаҳон чемпиони Акобир Курбоновни, сўнгра Иллей Леби (Исроил), Иракли Уднадзе (Туркия)ларни мағлубиятга учратди ва финалга йўлланма олди. У ҳал қилувчи баҳсда бразилиялик Александр Гудесни доғда қолдириб, жаҳон чемпиони бўлди.

Мусобақани кўтаринки руҳда ўтказган яна икки вакилимиз Р. Саидов(73 кг.) ҳамда Д.Чориев(90 кг.)лар ҳам финалга чиққан эдилар. Аммо сўнгги беллашувларда улар ғолибликни қўлдан бой бердилар.

Жаҳон чемпионатининг мутлақ ғолиблиги учун баҳслар қизиқарли ўтди. Аёллар ўртасида Билл Тиская, эркаклар орасида ҳамюртларимизга яхши таниш Селим Татар ўғли (иккаласи ҳам Туркия) ғолиб бўлди.

Чемпионат якунлангач, Халқаро Кураш ассоциациясининг бешинчи конгресси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди ва Комилжон Юсупов бир овоздан яна ХКА президентлигига сайланди.

МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Сидней олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал боксдаги тўққизинчи жангини ўтказди.

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган жангда боксчимиз пенсельваниялик Хосе Апонтега қарши рингга чиқди. WBC йўналишининг яримўрта вазн тоифаси бўйича ушбу учрашув саккиз раунд давом этиши лозим эди. Аммо профессионал рингда 32 та жанг ўтказган Хосе Апонте Муҳаммадқодирга қарши ҳеч қандай чора қўллай олмади. Кучли зарбалари билан ҳужумга ўтган ҳамюртимиз биринчи раунддаёқ рақибини техник нокаутга учратди. Шундай қилиб, Муҳаммадқодир Абдуллаев қаторасига тўққизинчи бор муддатидан олдин ғалаба қозонди.

УЧ ОЛТИН, ТЎРТТА КУМУШ

Юнон-рум кураши бўйича мамлакатимиз терма жамоаси ҳам мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига муносиб совға ҳозирлади. Курашчиларимиз Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида ўтган гран-при туркумидага анъанавий халқаро турнирда иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи поғонани эгаллашди.

Жаҳоннинг ўн уч давлати спортчилари орасида ўтган баҳсларда Аслиддин Худойбердиев (59 кг.), Баҳодир Қурбонов (66 кг.), Алексей Чеглаков (97 кг.)лар олтин, Дилшод Орипов (59 кг.), Жаҳонгир Турдиев (76 кг.), Евгений Рафаэлов(85 кг.), Шермуҳаммад Кўзиев(120 кг.)лар кумуш медалларни қўлга киритишди.

«МАТИЗ» ШЕРТОЙ ПОЛВОНДА КЕТДИ

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами куни Жиззах вилоятининг Қаҳрамон шаҳарчасида «Жиззах» отчопари фойдаланишга топширилди. Беш мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган янги отчопарнинг очилиш маросими чавандозларнинг кўргазмали чиқишлари, от пойгаси, тўсиқлардан сакраб ўтиш, улоқ-кўпкари мусобақаларига уланиб кетди.

Баҳсларда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган минг нафардан ортиқ чавандоз иштирок этди.

Мусобақанинг пойга баҳсларида пойтахтлик Иброҳим Йўлдошев, Иброҳим Усмонов, Александр Толстих, Ҳикмат Юсупов(1200, 2400, 3200, 7000 м.)лар энг юқори натижага эришдилар. Вилоят ҳокимлигининг кўпкари беллашувлари мутлақ ғолиби учун махсус соврин — «Матиз» автомобили таъсис этганлиги учун баҳслар ниҳоятда шиддатли кечди. Бу мусобақада улоқни беш маротаба маррага ташлаган ғаллароллик Шертой полвон Сувонов бош соврин соҳиби бўлди. У вилоят ҳокимининг супер совғаси — «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

■ Эркин ХОЛБОБО

✧✧✧

СУРАТЛАРДА: ғолибга бош соврин топширилмоқда; баҳслардан лавҳалар.

■ Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти «Қишлоқ ҳаёти» газетаси Бош муҳаррири биринчи ўринбосари Ҳабиб Темировга опаси **Ризвон ТЕМИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ БАНКИ ХИЗМАТИНГИЗДА!

BANK XALQ BANKI

Республикамизда нақд пул эмиссиясини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш борасидаги Республикамиз Президентининг бир қатор Фармонлари ва Хукуматимиз қарорларининг ижросини таъминлаш борасида Давлат-тижорат Халқ банки томонидан аҳолига жозибали ҳамда манфаатли шартлардаги бир қатор янги омонатлар амалиётга жорий қилинмоқда.

Шунингдек, банк томонидан ҳар бири 300 миллион сўмлик учта эмиссияда жами 900 миллион сўмлик ютуқли депозит сертификатлари муомалага чиқарилган эди. Бунда, ютуқли депозит сертификатларининг биринчи эмиссияси бўйича ютуқлар тиражи йилнинг 1 июлида кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган эди.

Депозит сертификатларининг иккинчи эмиссияси бўйича ютуқлар тиражи 2002 йил 1 сентябрь куни республикамизнинг қадимий шаҳарларидан бири Хива шаҳрида ўтказилди.

Кенг жамоатчилик иштирок этган ушбу тиражда банкнинг депозит сертификатларига эга бўлган фуқароларимиз 5000 сўмдан 1000000 сўмгача бўлган пул ютуқларининг соҳибларига айландилар.

Халқ банкининг ютуқли депозит сертификатларининг учинчи эмиссияси бўйича ютуқлар тиражи жорий йилнинг 1 ноябрида тарихий Бухоро шаҳрида ўтказилиши белгилаб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЮТУҚЛИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ ИККИНЧИ ЭМИССИЯСИ БЎЙИЧА 2002 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА ХИВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Ютуқ миқдори	Ютуқли сертификат рақами	серияси
1.	5000	065301	BB
2.	5000	079197	BB
3.	5000	081098	BB
4.	10000	085232	BB
5.	500000	088602	BB
6.	10000	088961	BB
7.	5000	092169	BB
8.	50000	092783	BB
9.	5000	093179	BB
10.	10000	097432	BB
11.	100000	100526	BB
12.	10000	103845	BB
13.	1000000	104374	BB
14.	5000	105574	BB
15.	5000	106783	BB
16.	5000	111455	BB
17.	100000	112340	BB
18.	5000	113071	BB
19.	50000	113200	BB
20.	5000	117336	BB
21.	10000	119856	BB

ШАРИПОВ Комилжон — Хива тумани ҳокимининг муовини, ҳайъат раиси

ИСЛОМОВ Тоҳир Турғунович — Республика Халқ банки банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази директори, масъул котиб

ХАЛҚ БАНКИ— СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

республикамиз фуқароларига манфаатли шартлардаги янги жозибали «Тантана», «Фахрий» ва «Сармоя плюс» омонатларининг жорий қилинганлигини маълум қилади.

«ТАНТАНА» — *қисқа муддатли, ютуқли омонатига пул маблағлари 90 кун муддатга қабул қилиниб, йиллик 25 фоиз миқдорида даромад тўланади. Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда,*

1000 сўмдан 2 000 000 *сўмгача бўлган мингдан ортиқ пул ютуқлари совриндорлари бўлиш имкониятига ҳам эгасиз. Ютуқ эгалари жорий йил декабрь ойининг биринчи 10 кунлигида аниқланади.*

«ФАХРИЙ» — *1 йил муддатли жамғариладиган омонатига пул маблағлари фахрийлар ва нафақахўрлар номига қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз миқдорида фоиз даромадлари тўланади. Ҳисоб варақаси бўйича кирим ва чиқим операциялари чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.*

«САРМОЯ ПЛЮС» — *жамғариладиган омонатига пул маблағлари 6 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28 фоиз миқдорида фоиз даромадлари тўланади. Омонатдаги пул маблағларига ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда омонат қолдиғига қўшиб борилади ва келгуси ойда янги омонат қолдиғига нисбатан фоизлар ҳисобланади.*

Шунингдек, фуқароларимиз банкнинг қуйидаги омонат турларига бўш пул маблағларини қўйиб, ўз сармоларини самарали бошқариш имкониятига эгадирлар:

Омонат турлари	Сақланиш муддати	Фоиз ставкалари (йиллик)
Муддатли омонатлар:		
1. 1 йилдан 3 йилгача	1 йилдан 3 йилгача	24%
2. 3 йилдан 5 йилгача	3 йилдан 5 йилгача	25%
3. 5 йилдан юқори	5 йилдан юқори	26%
4. «Ишонч»	6 ой	24%
5. «Даромад»	3 ой	24%
6. «Кафолат»	6 ой	30%
7. «Аср совғаси»	3,6,9,12 ой	26%
8. «Нуроний» (қўшимча бадалли)	12 ой	26%
9. «Тома-тома кўл бўлур...»	31 кун	30%
10. «Кексаларга иззат-ҳурмат ва ғамхўрлик»	60 кун	30%
11. «Олтин водий»	6 ой	36%
12. «Ташаккур»	3 ой	30%

Омонат турлари	Сақланиш муддати	Фоиз ставкалари (йиллик)
Муддатли омонатлар:		
13. «Тадбиркор»	1 ой	
200000 сўмгача		28%
200001 сўмдан 500000 сўмгача		30%
500001 сўмдан юқори		34%
14. «Мустақиллик» (ютуқли)	60кун	36%
Жамғариладиган омонатлар:		
15. «Болалар мақсадли»	10 йил	18%
16. «Авто-Кредит» (кредит олиш имконияти билан)	3 йилгача	5%
Талаб қилиб олгунча туркумдаги омонатлар:		
17. «Талаб қилиб олинадиган»	муддатсиз	1%
18. «Омад» (ютуқли)	6 ой	1%
19. «Абитуриент» (кредит олиш имконияти билан)	муддатсиз	1%
Хорижий валютадаги омонатлар:		
20. «Талаб қилиб олгунча»	муддатсиз	0,5%
21. «Муддатли»	1 йил	1,5%

Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!